



Нүсхе шакли Некисе қаласы

№ 97-Б « 23 » апрель 2018 ж.й

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод кишлоқ” дастури тўғрисида”ги ПФ-5386-сонли Фармонининг 3 бандига мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида “Обод кишлоқ” жамғармасини тузиш;
“Обод кишлоқ” дастурида белгиланган тадбирларни молиялаштириш манбалари эгиб:

республика бюджет ва мақсадли жамғармалар маблағлари;
маҳаллий бюджет ва унинг қўшимча маблағлари;

тармоқ корхоналарининг маблағлари;
халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг грант маблағлари;

“Маҳалла” жамғармасининг ва бошқа таъқиялотларнинг хомийлик қайрилари;

ташаббускор тадбиркорлар маблағлари;
хашарлар ва хайрия тадбирларини ўтказиш ҳисобидан тушадиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари;

конунчиликда таъқияланмаган бошқа манбалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 2018 йил 22 апрелдаги 05-21/1-1044-сонли баёни ижросини таъминлаш ва “Обод кишлоқ” дастури доирасида 2018 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ҳар бир туманидаги 2 тадан кишлоқ (маҳалла)ларда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари манзилли дастурига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 21 апрелдаги ДС/20-01-34-12/92-сонли хатини ижро учун рақбарликка олиб:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида “Обод кишлоқ” жамғармаси тўзилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқармасига жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш учун:

дастурига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга 3018... маблағлар манбаи билан шахсий ҳисоб рақамини очиш;

жамғарма ҳисобидан ажратилмаган маблағлар ҳар бир кишлоқ (маҳалла) ҳисобида 3018... маблағлар манбаи билан шахсий ҳисоб рақами орқали молиялаштириш;

жамғарма маблағлари ҳисобидан харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг бухгалтерияс томонидан тегишли газначилик бўлимларига тўлов топшириқномаварини тақдим этиш орқали амалга ошириш топширилсин.

3. Туманлар ҳокимлари “Обод кишлоқ” дастури доирасида 2018 йилнинг манзилли дастурига киритилган ҳар-бир кишлоқ (маҳалла)ларнинг қурилиш ва ободонлаштириш ишларида ажратилган маблағлар микроиннинг мақсадли сарфланшини таъминласин.

4. Ушбу фармойишнинг бажариллигини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.Тажетдинов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси **К.Сариев**

